



ARTICLE INFO

Received: 18th April 2026

Accepted: 26th April 2026

Online: 27th April 2026

KEYWORDS

Pre-investigation check, procedural time limits, forensic examination, audit, cybercrime, procedural suspension institution, criminal procedural law.

PRACTICE OF DISMISSING PRE-INVESTIGATION CHECKS WITHOUT RESOLVING THE ISSUE OF INNOCENCE: LEGAL ANALYSIS

Kahhorov Giyos Siddiq ugli

Master's student of the faculty of
"International Human Rights Law"
at the Law Enforcement Academy

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19818383>

ABSTRACT

This scientific study analyzes the legal foundations for extending the duration of pre-investigation checks in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as current practical challenges. The research examines the content of Article 329 of the Criminal Procedure Code, along with normative legal acts related to the timeframes of forensic examinations, audits, and other complex investigative actions.

The study primarily focuses on the issue of insufficiency of pre-investigation time limits. It provides a scientific justification of problems such as the prolonged duration of forensic examinations and audits, the complexity of analyzing digital evidence in cybercrime cases, and the imbalance between different procedural actions. Additionally, the limited effectiveness of the current practice of extending time limits is critically evaluated.

Within the framework of the research, two main scientific proposals are put forward: extending the pre-investigation period up to two months, and, more importantly, introducing an institution for the temporary suspension of pre-investigation proceedings in cases where complex forensic examinations or audits are appointed. Based on the conducted analysis, the second approach is substantiated as more effective and preferable.

The practical significance of the study lies in its proposals aimed at improving the institution of pre-investigation checks, enhancing the quality of procedural decisions, and ensuring more effective protection of human rights.

ПРАКТИКА ПРЕКРАЩЕНИЯ ДОСЛЕДСТВЕННЫХ ПРОВЕРОК БЕЗ РАЗРЕШЕНИЯ ВОПРОСА О НЕВИНОВНОСТИ: ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Каххоров Гиёс Сиддик угли

Магистрант факультета

«Международное право прав человека»

Академии правоохранительных органов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19818383>



ARTICLE INFO

Received: 18th April 2026

Accepted: 26th April 2026

Online: 27th April 2026

KEYWORDS

Уголовный процесс, прекращение уголовного дела, отказ в возбуждении уголовного дела, нереабилитирующие основания, презумпция невиновности, право на реабилитацию, квазисудебное решение, судебный контроль, процессуальные гарантии.

ABSTRACT

В статье проанализированы взаимосвязи между институтами отказа в возбуждении уголовного дела и прекращения уголовного дела, в частности правовая природа и особенности применения статей 84 и 333 действующего УПК. Обосновано, что формального противоречия между указанными нормами не существует, однако при их применении возникает концептуальная несогласованность.

В частности, показано, что нереабилитирующие основания, предусмотренные статьёй 84 УПК, особенно пункт 8 части 1, обладают свойством косвенной правовой оценки виновности лица. В этой связи раскрыта квазисудебная природа соответствующих решений, а также проанализировано их влияние на презумпцию невиновности, право на реабилитацию, честь и достоинство личности.

Автором обоснована необходимость передачи полномочий по применению пункта 8 части 1 статьи 84 суду в качестве предложения по совершенствованию законодательства. Кроме того, показано, что введение единого понятия «обстоятельства, исключающие производство по уголовному делу» позволит устранить несоответствие между статьями 84 и 333 УПК.

**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА АЙБСИЗЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ
ЭТМАСДАН РАД ЭТИШ АМАЛИЁТИ: ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

Қаҳҳоров Ғиёс Сиддиқ ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

магистратура босқичи Инсон ҳуқуқларига оид

халқаро ҳуқуқ йўналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19818383>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2026

Accepted: 26th April 2026

Online: 27th April 2026

ABSTRACT

Мақолада жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва жиноят ишини тугатиш институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хусусан амалдаги ЖПКнинг 84 ва 333-моддаларининг ҳуқуқий табиати ва қўлланилиш хусусиятлари таҳлил қилинган. мақолада ушбу нормалар ўртасида формал зиддият мавжуд эмаслиги, бироқ уларни қўллашда концептуал номутаносиблик юзага келаётгани асослаб берилган.



KEYWORDS

Жиноят процесси, жиноят ишени тугатиш, жиноят ишени қўзғатишни рад этиш, нореабилитацион асослар, айбсизлик презумпцияси, реабилитация ҳуқуқи, квазисудий қарор, суд назорати, процессуал кафолатлар.

Хусусан, ЖПК 84-моддасида назарда тутилган нореабилитацион асослар, айниқса 1-қисм 8-банди, шахснинг айбдорлигига билвосита ҳуқуқий баҳо бериш хусусиятига эга эканлиги кўрсатилган. Шу муносабат билан мазкур қарорларнинг квазисудий табиати очиб берилган ҳамда уларнинг айбсизлик презумпцияси, реабилитация ҳуқуқи ва шахснинг шаъни ҳамда қадр-қиммати таъсири таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф сифатида 84-модда 1-қисм 8-бандини қўллаш ваколатини судга ўтказиш зарурати асослаб берилган. Шунингдек, “жиноят ишени юритишни истисно қилувчи ҳолатлар” каби ягона тушунчани жорий этиш орқали ЖПКнинг 84 ва 333-моддалар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноят процессида ҳар бир босқич мустақил процессуал вазифа, субъектлар доираси ва ҳуқуқий оқибатлар билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, терговга қадар текширув натижаси бўйича жиноят ишени қўзғатишни рад этиш ва жиноят ишени тугатиш институтлари ўзаро функционал боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий табиати мутлақо фарқлидир. Биринчиси — жиноят ишени қўзғатилгунга қадар бўлган давр бўлса, иккинчиси эса — қўзғатилган жиноят иши бўйича якуний тўхтамга келиш шаклидир.

Бироқ, амалда ушбу икки институт ўртасидаги чегара ҳар доим ҳам аниқ сақланавермайди. Хусусан, ЖПКнинг **333-моддаси** орқали **84-моддада** кўрсатилган айрим ҳолатлар асос қилиниб, жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин. Мазкур ҳолат назарий ва

амалий жиҳатдан баҳсли ҳисобланади.

Мазкур мақоланинг мақсади — ушбу нормалар ўртасидаги ўзаро муносабатни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг ҳуқуқий табиати ва инсон ҳуқуқларига таъсирини очиб бериш, ҳамда мавжуд муаммолар бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Терговга қадар текширув — бу жиноят ҳақидаги ахборотни дастлабки баҳолаш босқичи бўлиб, у процессуал филтър вазифасини бажаради. Бу босқичда жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади ҳамда терговга қадар текширув якуни бўйича жиноят ишени қўзғатиш ва жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Жиноят ишени тугатиш эса — аллақачон қўзғатилган иш юритишни якунлаш шаклидир. Демак, “тугатиш”



категорияси мантиқан “қўзғатилган иш” мавжудлигини тақозо қилади.

Бундан ташқари, жиноят иши қўзғатилгандан сўнг, процесс иштирокчиларининг инсон ҳуқуқлари чекланишига олиб келиши мумкин, чунки, дастлабки тергов даврида шахсга нисбатан эҳтиёт чоралари қўллаш мумкин бўлади.

ЖПК 84-моддаси айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишни тугатиш асосларини белгилайди. Бу норманинг марказий хусусияти — айбдорлик масаласини охиригача ҳал қилмасдан туриб, процессни яқунлаш имконига эга бўлишидир. Ушбу ҳолатда шахс оқланмайди, айбдорлик рад этилмайди, фақат жиноят таъқиби тўхтатилади.

Демак, юқоридаги моддани қўллаш орқали шахснинг ҳуқуқий мақоми “**айбсиз**” эмас, балки “**айблилик аниқланмаган**” ҳолатда қолади. Шу жиҳатдан 84-модда — процессуал компромисс институти ҳисобланади.

Мухим жиҳат: қонун айрим ҳолатларда шахсга ишни давом эттириш ҳуқуқини беради. Бу эса мазкур институтнинг инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан мураккаб табиатга эга эканини кўрсатади.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексида 84-модда “Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб **жиноят ишини тугатиш** учун асослар” сифатида кўрсатилган. Яъни, нормани тўғри шарҳлайдиган бўлсак, қўзғатилган жиноят ишининг дастлабки тергови давомида, 84-моддада кўрсатилган ҳолатлар

аниқланса, жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади, шу сабабли, норма фақатгина қўзғатилган жиноят иши учун қўлланилиши тушунилади.

Бироқ, ЖПКнинг 84-моддасида назарда тутилган айрим ҳолатлар дастлабки босқичда аниқланса, ишни қўзғатишга ҳожат йўқ. Чунки, агар иш қўзғатилса, барибир дастлабки тергов давомида тугатилади, демак, ортиқча процессуал ҳаракатларни келтириб чиқаради, бу — процессуал иқтисод тамойилининг ёрқин ифодасидир.

Шу сабабли, Кодекснинг 333-моддаси шахснинг айблилик масаласини ҳал этмасдан туриб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш имконини беради.

Шундай бўлсада, ушбу икки нормада юридик терминларни қўллашда номутаносиблик мавжуд, яъни, юқорида таъкидлаганимиздек ЖПКнинг

84-моддаси фақатгина қўзғатилган жиноят ишига нисбатан қўлланилиши мумкинлигини ифодалайди, лекин, Кодекснинг 333-моддасида терговга қадар текширувда ҳам мазкур нормани қўллаш мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабли, Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори **М.Ботаев** ўзининг “**Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш**” мавзусидаги илмий ишида “Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида «айбланувчи» ва «судланувчи» билан бир қаторда, «гумон қилинувчи» ва «терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс»ни ҳам қайд этишни лозимлиги ҳамда мазкур омиллардан келиб



чиқиб, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисми 3-банди *«терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи вафот этган бўлса»* деган таҳрирда баён этилиши лозим.” деган таклифини илгари сурган.

Мазкур таклифга қўшимча равишда қуйидаги муаллифлик таклифи берилди: ЖПКнинг 84-моддаси номланишини **“Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар”** дан **“Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва жиноят ишини тугатиш учун асослар”** га, 84-модда 1-қисми **“Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:”** дан **“Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва жиноят иши тугатилиши лозим, башарти;”** деган таҳрирга ўзгартириш лозим.

Бироқ, айнан шу ёндашув ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради. Айбсизлик презумпциясига кўра, шахс айбдорлиги судда исботланмагунча айбсиз ҳисобланади, лекин, ЖПКнинг 84-моддаси асосида тугатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш шахсни оқламайди, натижада шахс “оқланмаган, лекин таъқиб ҳам қилинмаган” оралик мақомда қолади.

Шунингдек, ЖПКнинг 84-модда 1-қисм 8-бандида назарда тутилган ҳолатлар (амалда пушаймонлик, зарарни қоплаш ва ҳ.к.) шахснинг қилмиши жиноят эканлиги инкор этилмайди, айбдорлик масаласи мазмунан мавжуд деб қаралади, бироқ давлат жазо қўллашдан воз кечади. Бу эса мазкур институтни қуйидагича тавсифлаш имконини беради: **“моддий жиҳатдан айбдорликни тан олган ҳолда, процессуал жиҳатдан жавобгарликдан озод қилиш”**.

Шу боис, бу ҳолат оддий процессуал қарор эмас, балки шахснинг ҳуқуқий мақомига таъсир қилувчи **квазисудий қарор** ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, шахс айбдор деб фақат суд ҳукми билан топилиши мумкин. Бироқ, 84-модда 1-қисм 8-банди қўлланилганда терговчи, суриштирувчи ёки прокурор шахсни амалда **“айбдор, лекин жазога лойиқ эмас”** деб баҳолайди. Бу эса, суд назоратисиз **айбдорликка тенг** ҳуқуқий баҳо беради, шу нуқтаи назардан, мавжуд тартиб айбсизлик презумпциясининг мазмунига тўлиқ мос келмайди.

Шу сабабли, жиноят процессида инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига тўсиқ бўлади. Чунки, шахс жиноят содир этган шахс сифатида қабул қилинади, бироқ суд томонидан айбдор деб топилмаган бўлади.

Ушбу “оралиқ мақом” қуйидаги ҳуқуқларга таъсир қилади:

❖ Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати;



❖ Ишбилармонлик ва ижтимоий
обру;

❖ Келгусидаги ҳуқуқий
муносабатлардаги ишонч.

Шу боис, бундай қарор шахс учун
салбий ҳуқуқий оқибатларга эга
бўлгани сабабли, суд назоратидан
ўтиши шарт.

Амалиётдаги қонунчиликка
кўра, аллақачон шундай ёндашув
қисман тан олинган, хусусан,
ЖПКнинг 333-моддасига кўра,
Кодекснинг 84-моддаси 2-қисмида
кўрсатилган ҳолат суриштирувчи,
терговчи ёки прокурор томонидан
аниқланган тақдирда жиноят иши
қўзғатишни рад этиш суд томонидан
ҳал этилади. Чунки, шахс жазо
олмайди, лекин жамиятда “айбдор”
сифатида қабул қилинади, бу эса суд
назоратини талаб қилади.

**Шахснинг айбдорлигига
дахлдор ҳар қандай қарор фақат
суд томонидан қабул қилиниши
лозим.**

ЖПК 84-моддасига қуйидаги
мазмунда қўшимча киритиш таклиф
этилади: “Ушбу модданинг биринчи
қисми 8-бандида назарда тутилган
асос бўйича жиноят ишини тугатиш
ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш
фақат суд томонидан амалга
оширилади.” ёки альтернатив:
“Тергов органи мазкур асос бўйича
ишни тугатиш ҳақида илтимоснома
киритади, қарор суд томонидан қабул
қилинади.”

Ушбу таклифни жорий этиш
айбсизлик презумпциясини
мустаҳкамлайди, шахснинг шаъни ва
қадр-қимматини ҳимоя қилади,
процессуал адолатни таъминлайди,
тергов органларининг

дискрециясини чеклайди, суд
назоратини кучайтиради.

84-модда 1-қисм 8-бандида
назарда тутилган асос — ташқи
кўринишдан енгиллик механизми
бўлса-да, унинг ҳуқуқий мазмуни
шахснинг айбдорлигига билвосита
баҳо беришни ўз ичига олади. Шу
сабабли, уни тергов органлари
ваколатида қолдириш айбсизлик
презумпциясининг мазмунига тўлиқ
мос келмайди.

Шахсни жазодан озод қилиш —
бу фақат инсонпарварлик акти эмас,
балки айбдорликка баҳо бериш шакли
ҳамдир. Демак, бундай қарор фақат
суд томонидан қабул қилиниши
лозим.

Ушбу тадқиқот доирасида
жиноят-процессуал ҳуқуқнинг муҳим
ва баҳсли масалаларидан бири —
жиноят ишини қўзғатишни рад этиш
ва жиноят ишини тугатиш
институтлари ўртасидаги ўзаро
муносабат, хусусан ЖПКнинг 84 ва
333-моддаларининг ҳуқуқий табиати,
мазмуни ва қўлланилиш амалиёти
комплекс таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари шуни
кўрсатдики, амалдаги қонунчиликда
мазкур нормалар ўртасида формал
зиддият мавжуд эмас, бироқ уларнинг
қўлланилишида **концептуал
номутаносиблик** кузатилади.
Хусусан, ЖПК
84-моддасида назарда тутилган
жиноят ишини тугатиш асосларининг
айримлари ЖПК 333-моддаси орқали
терговга қадар текширув босқичида
жиноят ишини қўзғатишни рад этиш
учун ҳам қўлланилаётгани процессуал
шакллар аралашувига олиб келмоқда.



Илмий таҳлил натижасида 84-модда ўз табиатига кўра **нореабилитацион тугатиш институти** ҳисобланади ва у шахснинг айбдорлиги масаласини тўлиқ ҳал қилмасдан туриб, жиноят таъқибини яқунлаш имконини беради. Бироқ мазкур моддада назарда тутилган айрим асослар, айниқса, 1-қисм 8-банди, мазмунан шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришни, яъни айбдорликка билвосита ишора қилишни ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда илгари сурилган асосий илмий хулосалардан бири қуйидагича ифодаланади: **84-модда 1-қисм 8-банди бўйича қабул қилинадиган қарорлар квазисудий табиатга эга бўлиб, улар мазмунан суд ваколати доирасига яқин ҳуқуқий баҳолашни ўз ичига олади.**

Мазкур ҳолат айбсизлик презумпцияси тамойилига муайян даражада таъсир кўрсатиши аниқланди. Чунки амалда тергов органлари томонидан шахсга нисбатан “айбдор, лекин жазога лойиқ эмас” мазмунида қарор қабул

қилиниши суд муҳокамасисиз айбдорликка яқин ҳуқуқий хулоса шаклланишига олиб келади.

Шунингдек, тадқиқотда ушбу нормаларни қўллаш шахснинг реабилитация ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати, ижтимоий обрўси каби муҳим инсон ҳуқуқларига таъсир кўрсатиши асослаб берилди. Нореабилитацион асосларда иш юритишни тугатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш шахс учун “оқланмаган, лекин таъқиб қилинмаган” ноаниқ ҳуқуқий мақомни юзага келтиради.

Яқуний хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, жиноят процессида процессуал иқтисод ва самарадорлик қанчалик муҳим бўлмасин, улар инсон ҳуқуқлари, айбсизлик презумпцияси ва адолат тамойилларидан устун қўйилиши мумкин эмас. Шу боис, жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ ҳар қандай қарор, агар у шахснинг айбдорлигига дахлдор ҳуқуқий баҳо беришни ўз ичига олса, суд назорати остида қабул қилиниши лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент.
4. Бекназаров И.Ж. Жиноят-процессуал ҳуқуқда терговга қадар текширув институти. – Тошкент, 2021.
5. Рустамбаев М.Х. Жиноят-процессуал ҳуқуқ. – Тошкент: Юристар нашриёти, 2020.
6. Раҳмонов Ф., Абдураҳмонов А. Жиноят процесси: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2021.
7. Головки Л.В. Уголовный процесс. – Москва: Норма, 2021.
8. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. – Москва: Проспект, 2020.



9. Ashworth A., Redmayne M. The Criminal Process. – Oxford: Oxford University Press, 2019.
10. Sprack J. A Practical Approach to Criminal Procedure. – Oxford: Oxford University Press, 2020.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 21.02.2023 й. 73-сон қарори «Суд экспертизаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида». – Тошкент.
12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 10.01.2024 й. 3488-сон буйруғи «Суд-компьютер-техникавий экспертизаларни ўтказиш тартиби тўғрисида». – Тошкент.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари (жиноят ишлари амалиётига оид). – Тошкент.
14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси идоравий норматив ҳужжатлари. – Тошкент.
15. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
16. www.lex.uz – Қонун ҳужжатлари миллий базаси.
17. www.sud.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти.
18. www.prokuratura.uz – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий сайти.